

SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari

Son 9 Jild 4

2024

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 9 (4) - 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2024

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймаҳамматович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети.

Саидов Сарвар Атабулло ўғли – катта илмий ходим, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, илмий тадқиқотлар бўлими.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Хожаев Азизхон Саидалоҳонович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Саидова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, “Tashkent International University of Education” халқаро университети;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулов Жамолиддиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тиббиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири;

Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилевич – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёровна – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Аҳмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Эргашев Икром Абдурасулович – юридик фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Каюмова Насиба Ашуровна – педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шохид Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Муҳайё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибрахимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Караматдиновна – психология фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабобовна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).

MUNDARIJA

07.00.00 – TARIX FANLARI

<i>Xaynazarov Baxromjon Baxtiyorovich</i> RIVOJLANGAN O'RTA ASRLARDA PIRENEY YARIM OROLIDAGI KORTESLARNING JAMIYAT HAYOTIDAGI O'RNI	10-14
<i>Azizbek Xolliyev</i> XIX ASR OXIRI – XX ASR BOSHLARIDA ROSSIYA TOG'-KON SANOATIDA BRITANIYA SARMOYASINING TUTGAN O'RNI	15-20
<i>Mahkamov Abdiqayum Mahkamovich</i> SUDYALAR OLIY KENGASHINING SUDYALAR KORPUSINI SHAKLLANTIRISHDA TUTGAN O'RNI (TARIXIY TAHLIL)	21-25
<i>Eshimov Shaxridin Xujayorovich</i> SUD – HUQUQ TIZIMIDAGI TARG'IBOTCHILIK FAOLIYATI VA MA'NAVIY – MA'RIFIY ISHLAR (QASHQADARYO VILOYATI MISOLIDA)	26-31
<i>Намазова Умида Нормурадовна</i> ИЛК ЎРТА АСРЛАР СУҒДДА НИКОҲ: ШАКЛЛАНИШИ, ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ	32-41
<i>Самадов Искандар Исмамович</i> ХОРАЗМ ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ (ХХСР)ДА ЕР-СУВ МАСАЛАСИ	42-48
<i>Rustamova Madina Musoqulovna</i> SAMARQAND VILOYATI XOTIN-QIZLARNING ILM-FAN, TA'LIM VA INNOVATSIYALARGA QO'SHGAN HISSASI	49-56
<i>Jiyanbekova Sharofat Abdikaharovna</i> SOVET DAVRIDA KITOB TAQIQLARIGA NISBATAN O'ZIGA XOS SENZURA AMALIYOTLARI...	57-64
<i>Tursunov Javlonbek Akrom o'g'li</i> MUQADDAS QADAMJOLAR. SAMARQAND SHAHRINING TARIXIY TOPONOMIYASINING MUHIM TARKIBIY QISMI	65-68

08.00.00 – IQTISODIYOT FANLARI

<i>Tolipova Baxtigul</i> MAMLAKAT OZIQ-OVQAT SANOATIGA YO'NALTIRILGAN INVESTISIYALARNING EKONOMETRIK TAHLILI	69-77
<i>Mamanazarov Abdusamat Abdusaitovich</i> O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA PUL-KREDIT SIYOSATI KO'RSATKICHLARI TAHLILI	78-83
<i>Амбарцумян Анастас Алексеевич, Хасанова Руфина Раисовна</i> ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ГЕНДЕРНОГО РАВЕНСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ	84-96
<i>Meliyeva Nargiza Eshboyevna</i> INSON RESURSLARINI BOSHQARISHDA RIVOJLANGAN DAVLATLARING TAJRIBASI	97-104

<i>Исраилов Рустам Ибрагимович</i> КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ	105-109
<i>Jumaniyazov Inomjon To'raevich</i> APPLICATION OF ESG PRINCIPLES IN THE ACTIVITIES OF SOVEREIGN INVESTMENT FUNDS	110-120
<i>Amonov Navro'zxon Saloxiddin o'g'li</i> MINTAQAVIY MEHNAT BOZORIDAGI ISHCHI KUCHIGA TALAB VA TAKLIFNI ISTIQBOLLASHTIRISH YO'LLARI	121-129
<i>Mirxamidova Zahinabonu Mirxamid qizi</i> ROBOTLASHTIRISH DAVRIDA MEHNAT BOZORINING O'ZGARISHI: TO'RTINCHI SANOAT INQILOBI MUAMMOLARI VA ISTIQBOLLARI.....	130-138
<i>Kalbayev Muratbay Aytbaevich</i> AYLANMA MABLAG'LARNI TAHLIL QILISH METODOLOGIYASI	139-144
09.00.00 – FALSAFA FANLARI	
<i>Ernazarova Yorqinoy Ollaberganovna</i> RIVOJLANGAN DAVLATLARDA KADRLAR XIZMATINI TASHKIL ETISH: ODOB-AXLOQ QOIDALARI VA KASBIY MADANIYAT TALABLARIGA RIOYA ETILISHINI TA'MINLASH MEXANIZMLARI	145-155
<i>Ahrorova Shahlo O'rinboyevna</i> GLOBALASHUV SHAROITIDA MILLIY QADRIYATLARNING TAKOMILLASHUVI JARAYONI	156-161
<i>Рахманов Баҳодир</i> АЛИШЕР НАВОЙИ КОМИЛ ИНСОН КОНСЕПСИЯСИДА СИНЕРГЕТИК ҲОЯЛАР ИНЪИКОСИ	162-170
<i>Нуралиева Насиба Ахмадқуловна</i> ЖАДИД МУТАФАККИРЛАРИ ИЖОДИДА ТАРБИЯГА ОИД ҚАРАШЛАРНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ	171-176
10.00.00 – FILOLOGIYA FANLARI	
<i>Fayzulloev Otabek Muhammadovich</i> KATTALAR FOLKLORINING TARKIBIY QISMI – BOLALAR FOLKLORI HAQIDA.....	177-184
<i>Тоқимбетова Гулбахор Абатбаевна</i> ЎЗБЕК-ҚОРАҚАЛПОҚ АДАБИЁТШУНОСЛИГИДА ИРФОНИЙ ОБРАЗЛАР	185-190
<i>Yusupova Sadokat Alijon qizi</i> “BOBURNOMA”NING YAPONIYADA O'RGANILISHI	191-197
<i>Xudoyberdiyeva Gulmira Allaberdi qizi</i> JAHON TILSHUNOSLIGIDA POLISEMIYA HODISASIGA LINGVISTIK YONDASHUV (RUS VA INGLIZ TILSHUNOSLIGI MISOLIDA)	198-201
<i>Tangriyev Valisher Azamovich</i> SOMATIK IFODALAR ORQALI BERILGAN PARALINGVISTIK VOSITALARNING QIYOSIY TADQIQI: “ANOR” HIKOYASI MISOLIDA	202-206

<i>Abulova Zilola Azimovna</i> INGLIZ AFORIZMLARINING TARKIBIDA BIR JUMLA HAMDA QO'SHMA GAPLAR BILAN IFODALANGAN AFORIZMLAR XUSUSIYATLARI	207-201
<i>Qurbonova Dilnoza Olimovna</i> TYPES AND FUNCTIONS OF ADVERTISEMENT IN ENGLISH AND UZBEK.....	210-216
<i>Quljanova To'lg'anoy Shodiyor qizi</i> ASQAR MAHKAM IJODIDA BUVI OBRAZINING O'ZIGA XOSLIGI	217-221
<i>Babajanova Aziza Rustamovna</i> ABDULLA ORIPOV SHE'RIYATIDA BAHOR MAVZUSINING BADIY TALQINI	222-227
<i>Khursanova Laylo Bakhtiyarovna</i> REPRESENTATION OF THE CONCEPT OF "PATIENCE" IN SPECIAL ENGLISH DICTIONARIES	228-232
<i>Diyorova Mohlaroyim Xamza qizi</i> O'ZBEK TILSHUNOSLIGIDA SIFAT SO'Z TURKUMI TADQIQI	233-238
<i>Samadova Visola Baxtiyor qizi</i> INGLIZ, O'ZBEK VA RUS TILLARIDA ANTONIM KOMPONENTLI FE'L FRAZEOLGIK BIRLIKRLARNING LEKSIK-SEMANTIK XUSUSIYATLARI	239-242
12.00.00 – YURIDIK FANLAR	
<i>Tўлаганова Гулчехра Захитовна, Гофурова Дилафруз Мурод қизи</i> АЁЛЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШНИ РЕЖАЛАШТИРИШ, ЮЗАГА КЕЛАДИГАН ТЕРГОВ ВАЗИЯТЛАРИ ВА ВЕРСИЯЛАРНИ ИЛГАРИ СУРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	243-252
<i>Tosheva Maftuna Anvar qizi</i> INSON A'ZOLARI VA TO'QIMALARINING TRANSPLANTATSIYASI BILAN BOG'LIQ JINOYATLAR	253-262
<i>Ikramov Sherzod Raximdjanyovich</i> VOYAGA YETMAGAN SHAXSLARNI MODDIY TA'MINLASHDAN BO'YIN TOVLASHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	263-266
13.00.00 – PEDAGOGIKA FANLARI	
<i>Tohirova Mohigul Umir qizi</i> KO'RISHDA NUQSONI BOR SHAXSLARNING IJTIMOY UMIDSIZLIK DARAJASINI PSIXOLOGIK O'RGANISH. (L.I.VASSERMANNING "IJTIMOIY FRUSTRATSIYA (UMIDSIZLIK) DARAJASINI DIAGNOSTIKA QILISH METODOLOGIYASI" ASOSIDA)	267-274
<i>Nasriddinov Dadaxon Komiljonovich</i> OLY HARBIY TA'LIMDA FIZIKA O'QITISH SAMARADORLIGINI MOBIL ILOVALAR VA ROBOTOTEXNIKA ELEMENTLARI ASOSIDA TAKOMILLASHTIRISH YUZASIDAN OLIB BORILGAN PEDAGOGIK TAJRIBASINOV ISHLARI VA ULARNING NATIJALARI	275-281
<i>Xojaniyazova Inkar Jumanazarovna</i> BOSHLANG'ICH TA'LIM SIFATINI OSHIRISHDA DIDAKTIK MATERIALLARDAN FOYDALANISH IMKONIYATLARINI KENGAYTIRISH MASALALARI	282-292
<i>Ashurova Marhabo Sayfulloyevna</i> BUXORO JADIDLARI VA YANGI USUL MAKTABLARIDA O'QITISH IMKONIYATLARI	293-301

<i>Алимова Нигора Исраиловна</i> ОСОБЕННОСТИ СИСТЕМНОГО ПОДХОДА В ОБРАЗОВАНИИ И ВОСПИТАНИИ ДЕТЕЙ, НАХОДЯЩИХСЯ НА ДЛИТЕЛЬНОМ ЛЕЧЕНИИ	302-308
<i>Matajonova Gulnoza Karimovna</i> IJTIMOIY FANLARNI TEXNIKA YO'NALISHI TALABALARIGA O'QITISHNING DOLZARB MUAMMOLARI	309-313
<i>Axmadjanova Madina Maxmudjon qizi</i> GRAMMATIK MINIMUM VA UNI O'QITISH METODLARI	314-319
<i>Norboyev Zafar Abdumuminovich</i> OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA CEFR ME'ZONLARI ASOSIDA YANGI AVLOD DARSLIKLARINI YARATISH TEXNOLOGIYALARI	320-323
<i>Axmedova Zuxraxon Tulyanbayevna</i> QO'L TO'PI O'YININING JISMONIY JIHATDAN O'QUVCHILARNING O'QISHNI TUSHUNISHLARIGA TA'SIRI	324-329
<i>Юсупова Заррина Курбоновна</i> УНИКАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ ДИСТАНЦИОННОГО ОБУЧЕНИЯ И ВЫЗОВЫ В РАЗВИТИИ ЦИФРОВОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ	330-334
<i>Ravshanova Xafiza Komilovna</i> MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTI TARBIYACHILARIDA TANQIDIY FIKRLASH KO'NIKMALARINI RIVOJLANTIRISHNING ILMIY ASOSLARI	335-340
<i>Nurbayeva Xolniso Uralovna</i> GENDER STREOTIPLAR GENDER MADANIYATNING TARKIBIY QISMI SIFATIDA	341-345
<i>Samatova Shohsanam Xolmuhammad qizi</i> BO'LAJAK O'QITUVCHILARNING TIZIMLI FIKRLASHINI RIVOJLANTIRISH MUHIM PEDAGOGIK MUAMMO SIFATIDA	346-351
<i>Mustayeva Guliston Bo'riboyevna</i> TIBBIY TA'LIMDA AKS ETTIRISH AMALIYOTINING AHAMIYATI: UZLUKSIZ KASBIY RIVOJLANISHGA KO'MAKLASHISH	348-356
<i>Ahmedbekova Maxpuzaxon</i> TASVIRIY SAN'AT DARSLARIDA O'QUVCHILAR BILIMINI OSHIRISHNING PEDAGOGIK VA INNOVATSION JIHLATLARI	357-362
<i>Utkirov Abbos Meyliyevich</i> ARTIFICIAL INTELLIGENCE IMPACT ON HIGHER EDUCATION QUALITY AND EFFICIENCY	363-388
<i>Xodiyeva Gulhayo Hasan qizi</i> BOSHLANGICH SINIF O'QUVCHILARIDA MATEMATIKA FANI ORQALI TANQIDIY-TAHLILIIY HAMDA MA'LUMOTLARNI TAHLIL QILISH KO'NIKMALARINI RIVOJLANTIRISH USULLARI.....	389-393
<i>Maxliyo Qalandarova</i> UMUMTA'LIM MAKTABLARIDA MATEMATIKA DARSLARIDA O'QUVCILARNING MOLIVAVIY SAVODXONLIGINI RIVOJLANTIRISH SHAKLLARI VA USULLARI.....	394-399

12.00.00-YURIDIK FANLAR – LAW

Received: 30 August 2024

Accepted: 5 September 2024

Published: 15 September 2024

Article / Original Paper

**CHARACTERISTICS OF PLANNING THE INVESTIGATION OF CRIMES
COMMITTED BY WOMEN, PROVIDING INVESTIGATIVE SITUATIONS AND
VERSIONS**

To'laganova Gulchexra Zaxitovna

Tashkent State Law University, Professor of the Department of Criminal Procedure Law, Doctor of Law

G'ofurova Dilafruz Murod qizi

3rd year doctoral student at Tashkent University law university

gofurovadilafruz93@gmail.com

Abstract. This article discusses the general importance of planning in the process of organizing the investigation of crimes committed by women, as well as the specific features of the investigator's investigation situations and the development of investigative versions. Also, during the investigation of such crimes, the study of the typical situations that arise in the practice of investigation and investigation, the complete list of versions, the determination of concrete elements of the investigation plan, the development of the most effective tactical methods of the investigative actions and the recommendations and conclusions are given.

Keywords: female crime, investigation, evidence, organization of investigation, investigation planning, investigative situations, version.

**АЁЛЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ
ҚИЛИШНИ РЕЖАЛАШТИРИШ, ЮЗАГА КЕЛАДИГАН ТЕРГОВ
ВАЗИЯТЛАРИ ВА ВЕРСИЯЛАРНИ ИЛГАРИ СУРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС
ХУСУСИЯТЛАРИ**

Тўлаганова Гулчехра Захитовна

Тошкент давлат юридик университети профессори, ю.ф.д

Ғофурова Дилафруз Мурод қизи

Тошкент давлат юридик университетининг 3 курс докторанти

Аннотация. Ушбу мақолада аёллар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилишни ташкил этиш жараёнидаги режалаштиришнинг умумий аҳамияти ҳамда терговчи томонидан юритиладиган тергов вазиятлари ва тергов версияларни илгари суришнинг ўзига хос хусусиятлари муҳокама қилинган. Шунингдек, бундай жиноятларни тергов қилишда суриштирув ва тергов амалиётида вужудга келадиган типик вазиятларини ўрганиш, версияларнинг тўлиқ рўйхатини келтириб ўтиш, тергов режасига оид конкрет элементларни белгилаш, ўтказиладиган тергов ҳаракатларининг энг самарадор тактик усулларини ишлаб чиқишга оид тавсиялар ва хулосалар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: аёллар жинояти, тергов, далил, терговни ташкил этиш, терговни режалаштириш, тергов вазиятлари, версия.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4I9Y2024N34>

Мамлакатимизда амалга оширилаётган турли хил соҳалардаги кенг кўламли ислохотларининг асосий вазифаларидан бири инсон ҳуқуқларининг устуворлигини таъминлаш, жумладан, барчамиз томонидан бирдек эъозланадиган аёлларнинг жамиятдаги рўлини янада мустаҳкамлаш, уларга ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида турли ҳил имтиёз ва кафолатларни яратишдан иборатдир. Жумладан, «Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Президент Фармонида жамиятимизнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва маънавий ҳаётининг барча жабҳаларида аёлларнинг (хотин-қизлар) фаоллигини ошириш, уларнинг таълим ва касбий кўникмалар олиши ҳамда бандлигини таъминлашга ва тадбиркорлик ташаббусини янада қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш, улар томонидан ёки уларга нисбатан содир этилаётган жиноятчиликларнинг барвақт олдини олиш, жойларда «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар муаммолари, улар эҳтиёж ва қизиқишларини тизимли ўрганиш, манзилли ҳал этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга ошириш назарда тутилмоқда.

Бугунги фаровон ҳаётимиз ҳам, ёруғ келажагимиз ҳам аёлларга боғлиқ. Агар халқимиз биздан рози бўлишини хоҳласак, аввало, мўътабар оналаримиз, опасингилларимиз учун муносиб турмуш шароитлари яратишимиз керак. Она рози бўлса, оила рози бўлади, оила рози бўлса, жамият рози бўлади, – дейди президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев [1].

Маълумки, Тараққиёт стратегияси ва уни 2022 йилда амалга ошириш бўйича «йўл харитаси»да мамлакатимизни ривожлантиришнинг 7 та устувор йўналиши доирасида аёллар (хотин-қизлар) томонидан содир этилаётган жиноятларни барвақт олдини олиш, ана шундай ҳолатлар келиб чиқишига сабаб бўлаётган омилларни ўрганиш ва бартараф этиш, бу борада бошланган тизимли ишларни келгусида ҳам изчиллик билан давом эттириш муҳим ҳисобланади.

Аёлнинг жиноят содир этиши ортида жамиятнинг маънавий таназзули ётади. Ўзбекистонда 5 йил ичида жиноятчилик 2,3 баробарга ошган, 2021 йилдан пасайиш кузатилган. Аниқлик киритадиган бўлсак, 2019–2023 йилларда рўйхатга олинган жиноятлар сони 2,3 баробарга — 46 мингдан 104 мингга ошган. Белгиланган даврда жиноят содир этган шахсларнинг умумий сони 88 913 нафарни ташкил этди. Аниқланган ҳуқуқбузарлар орасида 72 061 нафар шахс (81,9 %) жиноий жавобгарликка тортилган. Уларнинг 3,9 % ини вояга етмаганлар ташкил этди. Ҳуқуқбузарлик содир этган аёлларнинг улуши 12,3 % ни ташкил этди [11]. 2023 йилнинг январь-декабрь ойларида жиноят содир этган аёлларнинг умумий сони 10 891 нафарни ташкил этди. Ҳудудлар кесимида энг юқори даражада Фарғонада – 1 422, Тошкент вилоятида – 1 158 ва Тошкент шаҳрида – 1 665 нафар қайд этилганлигини кўрсатди. Паст кўрсаткичлар Хоразм (295 нафар аёл) ва Сирдарё (224 нафар аёл) ҳудудларида қайд этилган. 2023 йилнинг январь-декабрь ойларида ҳуқуқбузарлик содир этган вояга етмаганлар сони 3 559 нафарни ташкил этиб, уларнинг умумий сонидан 4,0 % ини ташкил этди. Таҳлиллар вилоятлар бўйича вояга етмаганлар ўртасида содир этилган жиноятларнинг 8,7 % ини (314 нафар) қиз болалар. Вояга етмаган қизлар ўртасида Фарғона вилояти – 59 нафар,

Наманган вилояти – 51 нафар, Бухоро ва Тошкент вилоятларида – 24 нафарни ташкил этиб, устунлик қилмоқда. Тошкент шаҳрида жиноят содир этган вояга етмаган қизлар сони 57 тани ташкил этди. томонидан содир этилганини кўрсатди.

Ҳозирги кунгача аёллар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилишнинг алоҳида ҳуқуқий жиҳатлари фақат криминологик ва жиноий-ҳуқуқий жиҳатдан ўрганилиб, фақатгина криминологик ёндашувлар доирасида жиноятчи аёл шахсининг ўзига хос қирраларигина очиб берилган. Аммо амалиёт аёллар (хотин-қизлар) томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш жараёнида уларнинг жиноятчилиги эркаклар томонидан содир этилган жиноятлардан тубдан фарқ қилишини кўрсатиб келмоқда. Бу ҳолат криминалистик нуқтаи назардан аёллар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш билан боғлиқ барча билимларни бир ерга тўплашни ва аёллар жиноятларини тергов қилишнинг алоҳида услубиётини яратишни тақазо этаётганлиги билан долзарб аҳамиятга эга.

Аёллар томонидан содир этилган жиноятлар жиноятчиликнинг бир қисми сифатида ахлоқий, ижтимоий ва психология нуқтаи назардан ўзига хос кўрсаткичларга эга ва бу ҳолат бу турдаги жиноятларни режалаштиришда алоҳида аҳамият касб этади. Бу жиноятларни тергов қилиш жараёнида аёлларнинг шахсий хусусиятлари, жиноятни содир этиш мотивлари ва уларнинг жиноий хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар жуда муҳимдир. Криминалистика илм-фани бунда муҳим ўрин тутаяди ва жиноятларни самарали фош қилишда ва жиноятчиларни қонуний жавобгарликка тортишда ёрдам беради.

Аёллар содир этган жиноятлар одатда муайян эҳтирос, туйғу ёки шахсий муносабатлар таъсирида юзага келади. Бундай жиноятларда қасос, рашк, шахсий адоват ёки моддий манфаат асосий мотивлар сифатида бўлиши мумкин. Жиноятнинг содир этилиши усули кўпинча туйғули қарорларга асосланган бўлиб, бу жиноятларнинг айрим аломатлари (масалан, шошилиш равишда ҳаракат қилиш, излар қолдирмасликка бўлган уринчлар) ҳамда содир этиш жойлари билан фарқланади.

Бу турдаги жиноятларни тергов қилиш жараёнидаги терговчининг асосий вазифаси— далилларни йиғиш ва уларни таҳлил қилишдан иборат бўлиб, бунда далиллар кўпинча асосий эътиборни жиноятчи аёлларнинг психологик жиҳатларига қаратади. Масалан, жиноятни содир этган аёлнинг яқинлари билан бўлган алоқалари, унинг туйғулари ёки шахсий муносабатлари жиноятнинг ҳал қилувчи омиллари бўлиши мумкин. Бу далилларни тўғри таҳлил қилиш жиноятни фош этишнинг калити ҳисобланади.

Жиноят ишилари тергов қилиш мураккаб жараён ҳисобланади. Чунки, жиноят иши бўйича энг муҳим бўлган жиноят содир этган шахсларни айбли ёки айбсизлигини исботловчи далиллар тергов ҳаракатларни ўтказиш йули билан олинади. Қандай тергов ҳаракатларини ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлиши эса кўп жиҳатдан тергов вазиятларидан ва ишнинг ҳолатига кўра илгари сурилган тусмолларни текширишдан келиб чиқади. Аммо терговчи юзага келган тергов вазиятида таҳмин қилаётган версияларни текшириши учун терговни тўғри ташкил этиши ва муайян самарага эришиши лозим. Шу боис, терговни болашдан аввал ўтказиладиган тергов ҳаракатларини режалаштириб олиши мақсадга мувофиқдир.

Режалаштириш далилларни аниқ бир мақсадга қаратилган ҳолда кидириш

воситаси бўлиб, терговни ташкиллаштирувчи ва йуналтирувчи асос бўлиб хизмат қилади. У ўз ичига терговга оид ҳар бир ҳолатни тўғри ва ўз вақтида аниқлашни, версия тўзишни, уларни текшириш йуллари ва усуллари ишлаб чиқишни, шунингдек жиноятларни очишда илмий-техник воситалардан ҳамда тактик усуллардан максимал даражада фойдаланишни камраб олади.

Р.С.Белкиннинг такидлашича, терговни режалаштириш бу даставвал терговни ташкил этиш бўлиб, режалаштириш терговни ташкил этиш билан асосланади [6; С.375-376]. Режалаштириш иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун қандай тергов ҳаракатларини ўтказиш зарурлигини, қар бир жиноятчининг ҳаракатини фош этиш, тўлиқ ва объектив терговни амалга ошириш учун қандай кетма-кетликда тактик операцияларни ўтказиш кераклигини аниқлаб беради. Жиноятларни тергов қилишда турли хил ҳуқуқни муҳофиза қилувчи органлар ходимлари иштирок этади. Шу боис, терговни режалаштириш тергов иши самарадорлигини таъминлаб берувчи омил ҳисобланади.

Аёллар томонидан содир этилган жиноятларнинг психологик анализи, уларнинг туйғулар, шахсий ҳолатлар ва вазиятлар таъсирида қандай ҳаракат қилганини тушунишга ёрдам беради. Аёллар кўпинча эмпатия ва эмоционал таъсирга берилувчан бўлиб, бу уларнинг жиноятга мойиллигини оширади. Қолаверса, аёллар томонидан содир этилган жиноятларда кўпинча психологик излар ҳам қолади, масалан, уларнинг ёзишлари, электрон хатлари ёки ижтимоий тармоқлардаги фаолиятлари. Бу турдаги далилларнинг таҳлили аниқлик ва тажриба талаб қилади. Аёл жиноятчилар кўпинча, ўз хатти-ҳаракатларини оқлашга уринади, шунинг учун уларнинг психологик ҳолатини тушуниш, далилларни тўғри таҳлил қилиш ва уларни қонуний жиҳатдан асослаш зарур.

А.Кулахметов эса терговни режалаштириш ҳақида айтиб ўтар экан, терговчи терговнинг тезкор, ҳолисона ва ҳар томонлама ўтказиши учун календарь режа, ҳар бир жиноят ишини тергов қилиш ва ҳар бир тергов ҳаракатини олиб бориш учун махсус режа тайёрлаши лозимлигини таъкидлаб ўтган [5; –Б. 50].

“Календарь режага терговчининг тергов ўтказиш билан боғлиқ бутун фаолияти киритилади. Унда жиноятни очиш ва тергов қилиш, жиноятнинг сабаб ва оқибатларини аниқлаб, уларни бартараф этиш, ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш, тергов малакасини ошириш кабилар бўлиши керак.

Н.П.Яблоков бу туркумга кирувчи жиноятларни тергов қилишнинг режасини қуйидагича баён қилади: “Таҳлил этилаётган жиноятларнинг тергов режаси дастлабки тергов вазиятлари, дастлабки маълумотлар ва жиноятчи қўлга олинган ёки олинмаганлигига боғлиқ бўлади. Шу билан бирга режада барча исботланиши лозим бўлган ҳолатлар акс эттирилиши керак. Илк босқичда тергов режаси одатий версиялар билан бирга, махсус версияларни ҳам текшириб чиқишга қаратилган бўлиши керак. Назарда тутилган ишлар бўйича зарурий тактик операцияларни ўтказишни ҳам режага киритиш мақсадга мувофиқ” [2; -С.376].

Криминалистикага оид адабиётларда аёллар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилишда айнан нималарга эътибор берган ҳолда терговчи календар режасини тузиш мумкинлиги ҳақида умуман маълумотлар йўқ. Шунинг учун биз, режалаштиришнинг умумий қоидалари асосида аёл киши томонидан содир этилганлик факти маълум бўлган жиноят ишида терговчи қуйидагиларни инобатга олиб тергов режасини тузишини таклиф этамиз:

- Аёл киши содир этган жиноят бўйича терговчи томонидан режа тузилганида ушбу субъектнинг психологияси ва шахсига оид хусусиятлари умумий тергов режасида ҳам, аниқ тергов ҳаракатларини ўтказиш режасида ҳам акс этиши керак. Сабаби аёллар психологик жиҳатдан эркаклардан тубдан фарқ қилиб, баъзи тоифадаги аёлларда ишонтириш қобилияти ўта ривожланганлиги туфайли, баъзилари эса терговчида ачиниш ҳиссини уйғотиб терговни чалғитишга уринган ҳолатлар ҳам амалиётда учрайди.

- Тергов олиб борилаётган ишнинг хусусиятидан келиб чиқиб ўтказиладиган тергов ҳаракатлари билан бир қаторда, терговчи гумон қилинувчи ёки айбланувчи ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишга қаратилган чора тадбирларни ҳам режага киритиш лозим.

- Бундан ташқари терговчи томонидан маълумот олиш мумкин бўлган шахсларни сўроқ қилиш ва уларга тавсифномалар олиш учун чора тадбирларни амалга оширишни режага киритиши мумкин.

- Жиноятни тўлиқ очиш ва унинг сабабларини аниқлаш учун терговчи шу ҳудудда хизмат қилувчи участка нозирлари билан ҳамкорлик қилишни режага киритиши лозим. Бунинг асосий сабаби терговчи бу ҳолатда аёлнинг оила ва маҳаллада тутган ўрни, одатий ҳаёт тарзи, жумладан, хонадондаги умумий муҳит, оила аъзолари билан тортишувлар, жанжаллар ва бошқалар ҳақида иш учун аҳамиятли қўшимча маълумотларни тўплаш имконияти янада кўпаяди.

Шунингдек терговчи режада профилактик чора тадбирларни ҳам акс эттирилиши мумкин. Бу тадбирлар жиноят содир этишда гумон қилинаётган аёлнинг келажагига ҳам ижобий таъсир этиши мумкин.

Жиноятларни тергов қилиш жараёнининг дастлабки босқичида юзага келган муаммоли вазиятларни хал қилишнинг асосий усули тергов версияларини тўғри тўзиш ва уларни ҳар томонлама текширишдан иборатдир.

Криминалистикага оид адабиётларда криминалистик версияларнинг бир неча таърифлари мавжуд. Бунга асосий сабаб криминалистик версиялар ҳар бир жиноят ва унинг энг майда қисмига оид фактлар юзасидан алоҳида тузилади ва текширилади.

Масалан, Т.А.Абдумажидов версияни қуйидагича таърифлайди, тергов версияси - бу терговчининг текширилаётган ходиса моҳияти ва сабаблари, айбдор шахслар ва улар айбининг хусусияти, ишнинг бошқа ҳолатлари тўғрисидаги тахминдир. Бу маълумотлар ва далилларнинг мумкин қадар кенг умумлаштирилиши, уларнинг ягона изох билан бирлаштирилиши демакдир; версия жиноятни тўлиқ очишга, жиноятчиларни фош қилишга, айбсизларни оклашга қаратилган. Нихоят, тергов версияси - бу текширилаётган ходисаларнинг терговчи тасаввурида фикран яратилган образи, модели, шакл-шамойили [3; Б-216.].

Тергов версияси қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши зарур:

- ✓ реал бўлиб, далилий маълумотларни ўрганиш асосида тузилган бўлиши;
- ✓ илмий маълумотларга мос келиб, уларга қарши чиқмаслиги;
- ✓ мантиқан тўғри тузилган ва қарама-қаршиликларга эга бўлмаслиги [3; Б-217.].

Аёллар томонидан содир этиган жиноятларда тергов версиялари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бунда ҳар бир тергов версияси терговчининг тергов

килинаётган жиноят иши бўйича фактик маълумотларга асосланган тахмини сифатида баъҳоланади.

Кўришимиз мумкинки, деярли барча криминалистикага оид адабиётларда аёллар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилишда жиноят айнан аёл томонидан содир этилганлиги тўғрисида илгари сурилиши мумкин бўлган версиялар учрамайди. Бунинг асосий сабаби, жиноятни аёл киши содир этган, деган тахминнинг мавжудлигининг ўзи терговчи томонидан илгари суриладиган жиноятдаги энг асосий умумий версиядир. Шунинг учун биз жиноятни тергов қилиш жараёнида айнан юқоридаги версия асосида қўшимча версияларни ишнинг ҳолатлари ва келиб чиққан тергов вазиятига боғлиқ ҳолда илгари суришни таклиф этамиз ва жиноятни аёл содир этганлиги тўғрисидаги версия асосида терговчи қуйидаги версияларни текшириб чиқишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Ушбу жиноят вояга етган ёки етмаган аёл томонидан содир этилган;
2. Аёл жиноятни қасдан ёки эҳтиётсизликдан ёки ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра айбсиз ҳолда зарар етказган ҳолда содир этган;
3. Аёл муайян тазйиқ остида ёки моддий ёхуд бошқа томондан мажбурлиги туфайли жиноятни содир этган;
4. Аёл жиноятни содир этиш вақтида ёки унга қадар ёхуд содир этганидан кейин рухий ҳолатига кўра қилмишининг ижтимоий ҳавли эканлини англамаган;
5. Аёл айнан жиноят содир этилган вақтда вояга етмаган шахс бўлган;
6. Аёл жиноятни иштирокчиликда содир этган;
7. Аёлнинг физиологик ва психологик ҳолати жиноятни у томонидан содир этишга йўл қўймайди ёки бунга акси;
8. Аёл жиноятни содир этганлигини бошқа шахсларнинг қилмишини яширишни мақсад қилганлиги учун ўз бўйнига олган ва бошқалар.

Аёллар содир этилган жиноятларни тергов қилишда терговчининг вазифаси нафакат берилган вазиятдаги версияларни тўғри белгилаш, балки уларни текшириш тактикасини тўғри ишлаб чиқишдан ҳам иборат бўлиб, бу шуни билдирадики, версиялар юритилганидан ва аникланиши керак бўлган масалалар белгиланганидан кейин терговчи, у ёки бу версияни тасдиқловчи ёки рад этувчи далилларни кидириш учун қандай тергов ҳаракатларини ва қандай кетма-кетликда ўтказишини аниқлаб олади. Бу кетма-кетлик бевосита жиноятларни тергов қилиш жараёнидаги тергов вазиятларига бориб тақалади.

Назарияга кўра, терговни ташкил этилиши типик тергов вазиятлари асосида қурилади. Бунда ҳар бир типик вазият бўйича айблов ёки ҳимоя версиялари тузилади ва текширилади.

Тергов вазиятлари тўғрисидаги криминалистика назарияси Р.С.Белкин, И.Ф.Герасимов, Л.Я.Драпкин, Н.А.Селиванов, Н.П.Яблоков, О.Я.Баев, В.П.Бахин ва бошқа криминалистларнинг асарларида ривожлантирилган. Уларнинг асарларида таъкидланадики, тергов вазиятлари ҳар қандай жиноят ишларини тергов қилиш ишни юритишнинг ҳар бир пайтидаги ҳолатини акс эттиради ва шу боис вазият таҳлилини тўғри амалга ошириш тергов фаолиятини ташкил этишнинг энг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда эътироф этиш керакки, жиноят ишлари бўйича тергов вазиятлари тайин бир жиноятни тергов қилишнинг муайян пайтидаги

ўзига хос хусусиятларини очиб берувчи ҳолатлар мажмуидан иборат бўлади [3; Б-216.].

Аёллар томонидан содир этилган жиноятлар методикасини ўз илмий ишларида анализ қилган Е.В.Вологинанинг фикрича, аёллар томонидан содир этиладиган жиноятларда тузиладига ва текшириладиган версияр бевосита юзага келган тергов вазиятлари доирасидан келиб чиқади [7; -С.43].

Т.В.Папованинг фикрича, жиноятларни тергов қилишнинг умумий амалиётида тергов вазиятлари икки турга бўлинади. Булар: конфликтли тергов вазиятлари ва конфликтсиз тергов вазиятлари. Аёллар томонидан содир этиладиган кўпгина жиноятларда терговчи конфликтли тергов вазиятларига дуч келади. Бундай тергов вазиятларида терговчи жиноятчи аёлнинг шахсига оид маълумотларни тўлиқ ўрганиши ва бир қатор субъектив факторларни назардан қочирмаслиги лозим. Субъектив факторлар доирасида эса, терговчи, аёлнинг ижтимоий келиб чиқиши, социал ҳаётдаги ўрни, касб билан боғлиқ ўзига хосликлар, ёши, маълумот даражаси, шунингдек, ўзига берадиган баҳоси, эмоционал ва психологик ҳолатини ўрганиши лозим.

Тадқиқотчи юқоридаги фикрларидан келиб чиқиб, аёллар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилишда қуйидаги типик вазиятларни ажратади:

- Жиноятнинг содир этилганлиги ва уни аёл киши содир этганлиги терговга маълум бўлган вазиятлар;
- Жиноят иштирокчиликда содир этилганлиги ва унинг иштирокчиларидан бири аёл эканлиги терговга маълум бўлган вазиятлар;
- Жиноят содир этилганлиги терговга маълум, аммо уни ким содир этганлиги номаълум бўлган ҳолатлар [8; -С.50].

Ушбу тергов вазиятлари эса бевосита терговни ташкиллаштириш жараёнида қуйидаги элементларни ўзида қамраб олади:

- ✓ жиноий ҳаракатлар таркиби (вақти, жойи, усули ва ҳоказо);
- ✓ содир этилган жиноятнинг оқибатлари;
- ✓ жиноятни содир этган шахс тўғрисида мавжуд умумий ва шахси билан боғлиқ маълумотлар;
- ✓ жиноят предмети билан боғлиқ тергов вазиятлари, масалан, ўғирланган нарсa топилганми ёки топилмаганми, мулкка зиён етказилганми, шикастланганми ёки нобуд қилинганми ва бошқа вазиятлар;
- ✓ жиноят содир этилган пайтдан то жиноий ҳодиса тўғрисидаги ахборот маълум бўлгунга қадар ўтган вақт;
- ✓ жиноий ҳодиса тўғрисидаги дастлабки ахборотнинг тўлиқлиги, ишончлилиги ва тегишлилиги билан боғлиқ ҳолатлар.

Шу кунга қадар аксарият тадқиқотчилар тергов вазиятларига алоҳида эътибор қаратиб, тергов вазиятларидан келиб чиқиб, терговни ташкил этишнинг бирмунча самарадор эканлигини таъкидлаб ўтганлар.

Айтишимиз мумкинки, аёллар томонидан содир этилган жиноятларни ва эркаклар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш жараёнида терговчи бир-биридан биров фарқланувчи тергов вазиятларига учрайди. Фикримизча, қуйидагилар деярли аёллар томонидан содир этилиши мумкин бўлган барча турдаги жиноятларда юзага келиши мумкин бўлган энг асосий тергов вазиятлари ҳисобланади:

1) жиноят содир бўлган жойда кузатиладиган шароит ҳамда моддий объектларда кўпинча аёл киши қолдириши мумкин бўлган излар ёки бу тўғрисидаги маълумотларнинг мавжудлиги. Бундай тергов вазиятида терговчи жиноят жойини кўздан кечириш жараёнида топилган соч толаси, лаб ёки бошқа косметик бўёқлар, одатда аёллар томонидан фойдаланиладиган буюмлар ёки уларни қисмлари, тола ёки ёғлар, бармоқ ёки оёқ изларини ўрганиб чиқиб жиноятни аёл содир этганлиги тўғрисидаги версияни текшириши мумкин ;

2) жабрланувчи ва гувоҳлар жиноятни бевосита аёл киши содир этгани тўғрисида берган кўрсатмалари мавжуд бўлган ҳолат. Бундай вазият бирмунча содда ва тергов учун мақбул ҳисобланади. Бу ҳолатда терговчи кўрсатмаларни текшириши лозим ва шу мақсадда суд экспертизалари тайинлаши, жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилиши керак;

3) жиноятни содир этишда гумон қилинувчи аёл жиноят содир бўлган жойда бевосита ушланган ёки айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арзи билан ички ишлар идорасига мурожаат қилган ҳолатлар. Бундай вазиятлар амалиётда кам учрайди. Аёл жиноятчилар кўпинча жамиятимиз менталитетидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, жамоа олдида изза бўлишдан қўрқиб, жиноятларини яширишга уринади.

4) жиноятни содир этишда гумон қилинувчи аёл ўз айбини инкор этган, аммо терговчида аёлнинг жиноят содир этишга алоқадор эканлигини исботловчи айрим далиллар мавжуд бўлган вазият. Бундай ҳолатда терговчи такрорий сўроқ ўтказиши лозим. Бунда жиноятни содир этган аёлга унинг айбини исботловчи далилларни кўрсатиш яхши самара беради. Шунингдек, терговчи аёлнинг ёлғон кўрсатувларни фош этиш мақсадида тўғри кўрсатмалар берадиган гувоҳ ва жабрланувчилар билан бирга юзлаштириш, кўрсатмаларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш ва тергов экспериментлари ўтказиши мумкин. Агар тергов жиноятни содир этишда бир неча аёл кишилар иштирок этганини аниқласа ва улар ўз айбини мавжуд далилларга қарамай инкор этса, терговчи уларнинг ўзаро кўришмаслиги ва мулоқот қилмаслигига қатъий эътибор қаратиши лозим. Шунингдек уларнинг ҳимоячилар ҳам маълумотларни етказиб туриши мумкин, бу эса кейинги кўрсатмаларнинг келишиб олинишини келтириб чиқаради. Айбланувчиларнинг ўзаро келишиб олиши ҳақиқатни яшириш орқали терговни қийинлаштиради. Шунинг учун барча айбланувчилар билан бир вақтнинг ўзида ёки узлуксиз (танаффусларсиз) тергов ҳаракатлари ўтказилиши лозим. Бу вазият анча мураккаб ва ушбу ҳолатда терговнинг муваффақияти терговчининг профессионаллиги ва барча тергов ҳаракатларининг юқори даражада олиб боришига боғлиқ.

Рус олимлари А.Г.Филлипов ва Н.А.Бурнашевнинг фикрларича, тергов вазиятлари жиноят содир этган шахсларга қараб эмас, балки содир этилган жиноятнинг конкрет туридан келиб чиқади [9; -С.441].

Аммо жиноятчи аёл киши эканлиги аниқ бўлган ҳолатда қўшимча тариқасида қуйидаги тергов вазиятлари ҳам келиб чиқиши мумкин:

1. Жабрланувчи ёки гувоҳлар жиноятчининг юзини аниқ кўрмаган бўлсаларда, унинг ўзини тутиши ёки хатти-ҳаракатларидан келиб чиқиб, гумонланувчи (ёки айбланувчи) аёл киши деган тахминни илгари суриши мумкин бўлган вазият; масалан, жиноятни содир этган шахснинг қадди-қомати, юриш-туриши билан боғлиқ

ташқи белгиларни баъзан жиноят жабрланувчилари ёки ҳолислар ёдда сақлаши ва терговга маълум қилиши мумкин.

2. Жиноят содир этилган жойнинг белгилари, излар ва бошқа маълумотлар жиноятнинг аёл киши томонидан содир этганлигига ишора қилувчи вазият; масалан, соч толаси, лаб бўёғи, аёллар кийими ёки уларнинг маълум бир бўлаги ва бошқа одатда аёллар томонидан фойдаланиладиган воситалар ҳамда улар қолдирган излар.

3. Жабрланувчи ва гувоҳлар айбланувчини танийди ва унинг аниқ аёл киши эканлигини билган ҳолат. Аёллар томонидан содир этилган жиноятларни аёлнинг психологик ўзига ҳос ҳолатларига кўра ўрганган психолог тадқиқотчиларнинг фикрича, жиноятчи аёллар кўпроқ ўзлари яхши таниган шахларни ўз жиноятларининг жабрланувчиларига айлантирадилар. Бу ҳолат эса терговчига иш учун аҳамиятли бўлган фактларни ойдинлаштиришда албатта қўл келади.

Фикримизча, терговчи юқорида кўрсатиб ўтилган тергов вазиятларидан келиб чиқиб қуйидаги тергов ҳаракатларни амалга ошириши ва ишнинг ҳолатлари асосида таҳмин қилган версияларини текшири лозим:

жабрланувчини сўроқ қилиш (айбланувчининг ўзида ёки унинг кийимларида жароҳат излари қолганлигини сўраш);

излар бўйича қидирувни амалга ошириш ва вояга етмаганлар яшаши мумкин бўлган жойларни қидириш;

гувоҳларни аниқлаш ва сўроқ қилиш;

маълумот тўплаш мақсадида жиноятчининг субъектив портретини тайёрлаш;

жиноят содир этилган жойга доир ва жиноятчининг яшаши мумкин бўлган ҳудуд борасида тезкор қидирув ходимларига алоҳида топшириқлар бериш;

жабрланувчи билан бирга қайтадан ҳодиса содир бўлган жойга чиқиш ва уни такрор кўздан кечириш.

Шуни ҳулоса қилиб айтиш мумкинки, аёллар томонидан содир этилган жиноятлар юзасидан версия юритишда юзага келган тергов вазиятларидан келиб чиқиб тўпланган барча маълумотлар асосида версиялар олдиндан белгилаб олинган мантикий кетма-кетлиг асосида ўрганилиши ва текшириш лозим.

Адабиётлар/Литература/References:

1. 2022 йил 1 март куни “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизими ҳамда уларнинг жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш масалалари” бўйича Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилиши //On March 1, 2022, a video selector meeting was held under the chairmanship of President Shavkat Mirziyoev on "Issues of the support system for women and girls and further strengthening of their position in society"
2. Н.П.Яблоков. Криминалистика. – М.: Юриспруденция, 2003. –С. 376 // N.P. Yablokov. Forensics. – М.: Jurisprudence, 2003. –S. 376
3. Абдумажидов Ф.А.Криминалистика.-Т.:Адолат, 2008.Б-216/ Abdumazhidov F.A. Forensics.-T.: Adolat, 2008.B-216
4. Хамидов Б.Х. кибержиноятларни тергов қилиш услубиёти. Ўқув қўлланма.– Тошкент, 2022. – Б. 54-57// Khamidov B.Kh. cybercrime investigation methodology. Study guide. - Tashkent, 2022. - B. 54-57

5. А.Б.Кулахметов. Вояга етмаганларнинг жиноятларини тергов қилиш.– Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2003.–Б. 50 // A.B.Kulakhmetov. Voyaga etmaganlarning zhinoyatlarini tergov kilish. – T.: Uzbekistan Respublikasi IIV Akademiyasi, 2003. – B. 50
6. Белкин Р.С. Курс криминалистики. - Т. 2. - М., 1997. - С. 375 - 376. // Belkin R.S. Criminalistic course. - Т. 2. - М., 1997. - S. 375 - 376.
7. Е.В.Вологина. Методика расследования преступлений, совершенных женщинами. Автореферат . 2009г. С. 43 // E.V.Vologina. Methods for investigating crimes committed by women. Abstract. 2009 P. 43
8. Т.В.Папова. Тактика отдельных следственных действий при расследовании преступлений, совершаемых женщинами. Маг дисс.2004г. стр 50 // T.V. Papova. Tactics of individual investigative actions in the investigation of crimes committed by women. Mag diss. 2004 page 50.
9. А.Г. Филлипов таҳрири остида. Криминалистика. – М.: Высшее образование, 2007. – С. 441 // A.G. Phillipov tahriri ostida. Forensics. – М.: Higher Education, 2007. – P. 441.
10. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати 449-451 бет <https://stat.uz/uz/>
11. https://stat.uz/uz/?preview=1&option=com_dropfiles&format=&task=frontfile.download&catid=424&id=3116&Itemid=1000000000000

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 9 (4) – 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари**” электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).